

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ

Туманнинг барча ҳудудларидаги умумтаълим мактаблари, ихтисослаштирилган мактабларида янги ўқув йилининг бошланишига бағишланган **“Билимлар куни”** тадбирлари бўлиб ўтди.



Айни пайтда туманда 67 та умумтаълим мактаби фаолият юритмоқда. Жорий ўқув йилида туман бўйича 1804 нафар бола 1-синфга қабул қилиниши режалаштирилган.

Биринчи синфга қадам қўяётган барча ўқувчиларга анъанавий кўра **“Президент совғалари”** етказиб берилди.

УЗОҚ ҲУДУДЛАРДАГИ МАКТАБ  
ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН ЯНГИ  
АВТОБУСЛАР ТОПШИРИЛДИ

Хар бир жамиятнинг эртанги куни, порлоқ келажаги таълим соҳасига киритилаётган инвестициялар ва ёш авлодга яратиб берилаётган шароитлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бугунги кунда юртимизда таълим сифатини ошириш, ўқувчиларнинг мактабга ўз вақтида, хавфсиз ва қулай тарзда етиб боришини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Ана шундай эзгу савий-ҳаракатларнинг амалий ифодаси сифатида янги ўқув йили арафасида тумандаги 15-, 31- ва 46-сонли умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун махсус мактаб автобуслари ажратилди. Ушбу хушxabар мазкур таълим муассасаларида тахсил олаётган ўғил-қизлар, уларнинг ота-оналари ҳамда жамоатчилик томонидан катта хурсандчилик ва миннатдорлик билан кутиб олинди.

Маълумки, туманнинг чекка ва олис ҳудудларида истиқомат қилувчи айрим ўқувчиларнинг билим даргоҳига қатнашида йўл масофаси ва транспорт масаласи муайян қийинчиликларни туғдирар эди. Айниқса, қишнинг совуқ кунлари ва кузнинг ёгингарчилик мавсумида болаларнинг мактабга бориб-келиши ота-оналарни ҳамаша ташвишга солар эди.

Ажратилган замонавий ва барча қулайликларга эга автобуслар ана шундай муаммоларга барҳам берди.

**Бахрулло САЙПУЛОВ.**

Тумандаги 16-сонли умумтаълим мактабида ўтказилган **“Билимлар куни”** тадбирида Жиззах вилояти ҳокими Улуғбек Мустафоев, туман ҳокими Соҳиб Исламовлар иштирок этди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президентининг янги ўқув йили муносабати билан йўлаган табригини ўқиб эшиттирди.

Шунингдек, ўқувчиларни билим олишга, изланишга, замонавий билим ва кўникмаларни эгаллашга ҳамда янги ўқув йилида юқори натижаларга эришишга чорлади.

Вилоят ҳокими Улуғбек Мустафойев, туман ҳокими Соҳиб Исламовлар мактаб ўқувчилари учун ташкил этилган **“Келажак соати”** дарсида қатнашиб, 1–11-синф ўқувчилари билан учрашди ҳамда улар билан суҳбатлашди.

**“Билимлар куни”** тадбирлари тумандаги барча таълим масканларида кўтаринки руҳда ўтказилиб, янги ўқув йилига старт берилди.

**Рашид КАРИМОВ.**

ЎҚУВЧИЛАРГА  
БАЙРАМ СОВҒАСИ

Тумандаги Мусокул Оролов номли маҳалла ҳудудидаги Ҳасан ота қишлоғида жойлашган 71-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўқувчи ва ўқитувчилари янги ўқув йили арафасида қувончли воқеликка гувоҳ бўлишди. Мактаб жамоаси ва ўқувчилар учун замонавий талабларга жавоб берадиган қўшимча икки қаватли бино ҳамда шинам спорт зали қад ростлади.

Ушбу бунёдкорлик ишлари учун жами уч миллиард етти юз саксон уч миллион сўм маблағ сарфланди.

Ўқувчилар учун кенг ва ёруғ синф хоналари, шунингдек, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши ва спорт билан шуғулланиши учун барча шароитларга эга спорт зали.

Янги бинонинг фойдаланишга топширилиши ҳудуддаги ёшларнинг сифатли таълим олиши учун муҳим қадам бўлиб, янги ўқув йилида мактаб ҳаётига ўзгача фойз киргизди.

**Рашид КАРИМОВ.**

## Халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТНИНГ БИРИНЧИ  
ЯРИМ ЙИЛЛИК ИЖРОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Уни халқ депутатлари туман Кенгаши раиси Ботир Каримов бошқариб борди.

Сессия ишида туман ҳокими Соҳиб Исламов, туман Кенгаши депутатлари, тумандаги корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда дастлаб халқ депутатлари туман Кенгаши раиси Ботир Каримов

халқ депутатлари туман кенгаши доимий комиссиялар таркибига ўзгартиришлар киритиш ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши 6-Қўлба сайлов округидан сайланган депутат Г.Беркинованинг ўз хоҳишига кўра депутатлик ваколатини муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги аризаси юзасидан ахборот берди.

**Давоми 3-бетда**

АЭС ЛОЙИҲАСИНИНГ  
УМУМИЙ ҚИЙМАТИ –  
9,5 МЛРД ДОЛЛАР

**Жиззахдаги интеграциялашган АЭС лойиҳасининг умумий қиймати 9,5 млрд доллар, шундан маҳаллий маҳсулотлар улуши 21 фоиз ёки 1,9 млрд долларни ташкил этади. Қайд этилишича, ҳозир қурилиш майдонида 450 нафар ишчи ва мутахассис, 100 дан зиёд махсус техника ишляпти. Ўтказилган тақдиротда Президентимиз Шавкат Мирзиёев лойиҳада маҳаллий маҳсулотлар улушини камида 30 фоизга етказиш вазифасини қўйди. Фориш туманида алоҳида саноат зонаси ташкил этилиб, солиқ ва бож имтиёзлари берилади. Лойиҳанинг техник назорати ва мустақил экспертизаси учун етакчи хорижий компаниялар жалб қилинади.**

Атом энергетикасини ривожлантириш мамлакатимиз – Ўзбекистон энергетик хавфсизлигини мустаҳкамлаш, барқарор базавий электр генерациясини яратиш ва энергия манбаларини диверсификация қилишда стратегик аҳамиятга эга.

Интеграциялашган атом электр станцияси лойиҳаси жорий йил 4 июндан қурилишнинг фаол босқичига ўтди. Бугунги кунга қадар реактор биноси учун котлован қозиш ишлари тўлиқ якунланиб, 1 миллион куб метрдан ортиқ тупроқ қазиб олинди. Пойдевор плитасининг бир қисмига 916 куб метр бетон қўйилди. Қурилиш-монтаж базасидаги 100 гектар майдонда ер ишлари бажарилди. Айни пайтда қурилиш майдонида 450 нафар ишчи ва мутахассис, 100 дан зиёд махсус техника фаолият юритмоқда. Жараёнда 3 мингга яқин турдаги маҳсулот ва ускуналардан фойдаланилади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳада маҳаллий маҳсулотлар улуши 21 фоиз ёки 1,9 миллиард долларни ташкил этади. Давлатимиз раҳбари бу кўрсаткич етарли эмаслигини таъкидлади.

Лойиҳада маҳаллий маҳсулотлар улушини камида 30 фоизга етказиш, қурилиш-монтаж ишларининг 65 фоизини миллий корхоналар томонидан бажариш ҳамда 7 минг нафар маҳаллий ишчи ва мутахассисни жалб этиш вазифаси қўйилди.

Фориш туманида 200 гектар майдонда қурилиш материалларига ихтисослашган саноат зонасини ташкил этиш таклиф қилинди. Унда камида 100 та қўшма корхонани жой-

лаштириш ва технологиялар трансфери орқали 15 та йўналишда маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўзда тутилган.

Шавкат Мирзиёев ушбу таклифни маъқуллаб, саноат зонаси иштирокчиларига солиқ ва божхона имтиёзларини татбиқ этиш бўйича қарор лойиҳасини йил якунига қадар киритишни топширди.

Бунда қурилиш сифати ва хавфсизлиги энг устувор масала бўлиши шартлиги, барча ишлар МАГАТЭ талаблари ва халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқ амалга оширилиши таъкидланди.

Станциянинг ташқи муҳандислик инфратузилмасини барпо этиш доирасида 388 километр электр тармоқлари, 110 киловольтли подстанция, 21 километр ичимлик ва 120 километр техник сув қувурлари, 39,5 километр автомобиль ҳамда 11 километр темир йўл қурилади.

Президент ушбу объеклар қурилишида маҳаллий маҳсулот ва хизматлар улушини 60-70 фоиз даражасида таъминлаш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Атомчилар  
шаҳарчаси

Қурилиш даврида ишчи ва мутахассислар ҳамда уларнинг оилаларини муносиб яшаш шароити билан таъминлаш мақсадида атомчилар шаҳарчасини барпо этиш режаси ҳам кўриб чиқилди.

Икки юз гектар майдонда қарийб 33 минг аҳолига мўлжалланган 10 мингга яқин, шу жумладан, биринчи босқичда 3 мингга хонадонли турар жойлар қурилиши кўзда тутилган.

**Давоми 2-бетда**

## АЭС ЛОЙИХАСИНИНГ УМУМИЙ ҚИЙМАТИ – 9,5 МЛРД ДОЛЛАР

Аввали 1-бетда

Шаҳарчада энергия самарадор кўп қаватли уйлар, мактаб ва мактаб-гача таълим ташкилотлари, тиббиёт, спорт ва маданият объектлари, дам олиш масканлари ҳамда кенг яшил ҳудудлар бўлади. Қурилишда замонавий иссиқлик химояси, муқобил энергия ва “ақлли” ёритиш ечимларидан фойдаланилади.

### Мустақил экспертиза

Лойиҳани бошқариш ва техник назоратни қўлайлаштириш, технологик ечимларни мустақил экспертизадан ўтказиш учун етакчи хорижий инжиниринг компаниялари иштирокида қўшма корхона ташкил этиш таклифи билдирилди. Шунингдек, қарийб мингта соҳавий стандартни миллий тизимга мослаштириш ва амалиётга жорий этиш белгиланди.

### Кадрлар масаласи

Станцияни келгусида бошқарадиган юқори маънавияли операторлар, муҳандислар ва радиация хавфсизлиги мутахассисларини ҳозирдан мақсадли тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Россия миллий тадқиқот ядро университети-нинг Тошкент шаҳридаги филиалини 2023 йилдан буюн 216 нафар талаба битирган. Уларнинг 83 нафари Хитой, Венгрия, Франция, Италия ва Кореянинг етакчи олийгоҳларида магистратура ва аспирантурада таҳсилни давом эттирмоқда. Яна 100 нафар мутахассис мамлакатимизнинг тўртта олий таълим муассасасида тайёрланмоқда.

“Ўзатом” агентлиги ва АЭС қурилиши дирекциясининг вазифалари кенгайиб бораётганидан келиб чиқиб, уларнинг ташкилий ва кадрлар салоҳиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаш таклифлари ҳам кўриб чиқилди.

Маълумот учун умумий қуввати 2,1 гигаваттлик интеграциялашган АЭС – ҳар бири 55 MW’дан қувват берувчи иккита РИТМ-200Н ва ҳар бири 1 GW’дан иккита ВВЭР-1000 реакторларидан иборат бўлади. Бу эса Ўзбекистонни ҳам кичик, ҳам анъанавий ядро модулларини битта майдонда жойлаштирган дунёдаги биринчи давлатга айлантиради.

### Бағрикенглик

## АДАШГАНЛАРГА ИМКОНИЯТ

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида муҳтарам Президентимиз халқимизга хос меҳр-оқибат, эзгулик, хайр-саховат каби олижаноб фазилатларни ёрқин ифодаси сифатида “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтган шахсларни авф этиш тўғрисида”ги фармонни имзолади.

Жиноятларидан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтган 852 нафар жазони ўтаётган шахс авф этилган.

Улардан 604 нафари қамқондан тўлиқ озод қилинмоқда, 115 нафари шартли равишда озод қилинмоқда. 52 кишининг жазо муддати енгиллаштирилган, 81 кишининг қамқон муддати қисқартирилган.

Авф этилганлар орасида 7 нафар хориж фуқароси ва таъкидланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этган

63 нафар шахс бор.

Авф этилганларнинг 375 нафари ёшлар, 49 нафари аёллар, 37 нафари 60 ёшдан ошган эркаклардир.

Қайд этилишича, 2017 йилдан бери Президент Шавкат Мирзиёев имзолаган 31 та фармон асосида жами 10 567 нафар жазо ўтаётган шахс авф этилган.

Фармон ижроси юзасидан авф этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга қўмак бериш бўйича масъул ташкилотларга тегишли топшириқлар берилди.

**Тоҳир МАВЛОНОВ,**  
туман прокурори катта ёрдамчиси.

## КЕНГ КЎЛАМЛИ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026-йил 5-февралдаги ПК-49-сонли қарорига асосан, туманида йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли ва ҳайдовчилар учун хавфсиз ҳамда қўлай ҳаракатланиш шароитларини яратиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда туман йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси ишчи-ҳодимлари томонидан давлат аҳамиятига эга Д056 «Осмонсой қ. – Учқулоч қ. – Узунқудук қ. – Боғдон қ.» йўли (28–46 км оралиғи): 1976–1978-йиллар-

да қурилган, қарийб ярим аср давомида асфалт қўрмаган мазкур давлат аҳамиятидаги йўлнинг 16 километрлик қисми (эни 7 метр) тўлиқ янгиланди.

Лойиҳа қиймати: 11 миллиард 926 миллион сўм бўлиб, бош пудратчи: Фориш туман Йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси.

Бундан ташқари 25 В 059 «Осмонсой қ. – Сайёд қ. – Илончи қ.» йўли (0 – 12 км оралиғи): 1987–1988-йилларда қурилган ушбу маҳаллий йўлнинг 12 километрга (эни 6 метр) замонавий иссиқ асфальтбетон қопламаси ётқизилиб, йўл чизиқлари



чизилди.

Лойиҳа қиймати: 8 миллиард 117 миллион сўм бўлиб, бош пудратчи: Зомин туман Йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси.

Қурилиш ишлари давомида йўлларнинг белгиланган қисмига замонавий технологиялар асосида сифатли асфальт-бетон қопламаси ётқизилди. Барча ишлар амалдаги қурилиш меъёрлари ва техник талабларга қатъий риоя қилин-

ган ҳолда бажарилгани йўлнинг мустаҳкамлиги ва узоқ йиллар хизмат қилишини таъминлайди.

Мазкур автомобил йўллари тумanning қатор аҳоли пунктларини ўзаро боғлаш, транспорт катновини яхшилаш, юк ва йўловчи ташиш самарадорлигини ошириш ҳамда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Рашид КАРИМОВ.**

## КЕЛАЖАҚДА ПЕНСИЯ ОЛИШ ҲУҚУҚИ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

**Маълумотларга кўра, бугун Ўзбекистонда иқтисодиётда банд аҳолининг асосий қисми — 12,3 миллиондан ортиғи нодавлат секторда меҳнат қилмоқда. Шундан 5,5 миллиондан зиёди ўзини ўзи банд қилганлар бўлса, яна 1,3 миллиондан ортиқ ватандошимиз чет элда меҳнат қилмоқда. Бу меҳнат нафақат бугунги даромад манбаи, балки эртанги иш стаж ва келажакдаги пенсия ҳуқуқининг ҳам пойдеворидир. Бу пойдеворнинг мустаҳкамлиги эса инсоннинг меҳнат фаолияти давомида бугун қабул қилаётган қарорларига боғлиқ.**

Бугун қабул қилаётган қайси қарорлар эртанги иш стажингизга таъсир қилади? Кўпчилик бу ҳақда меҳнат фаолиятини бошлаганида эмас, пенсия ёшига яқинлашгандагина ўйлайди. Аслида эса пенсия ҳуқуқи бир кунда эмас, меҳнат фаолияти давомида қабул қилинган қарорлар асосида босқичма-босқич шаклланади. Меҳнат шартномаси асосида ишлаш, расмий иш ҳақи олиш, электрон меҳнат дафтарчасидаги маълумотларни вақти-вақти билан текшириб бориш ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ижтимоий солиқ тўлаш каби қарорлар келажакда иш стаж ва пенсия таъминотида беvosита таъсир кўрсатади.

Пенсия тайинланаётганда айрим фуқаролар иш стаж ёки иш ҳақида оид маълумотларни тасдиқлашда қўйилмаган муаммоларга дуч келади. Бунинг сабаби шундаки, меҳнат фаолиятини тасдиқлаш тартиби барча даврлар учун бир хил эмас. Қўнунчиликка кўра, иш стаж ва иш ҳақини тасдиқлаш манбалари меҳнат фаолияти амалга оширилган даврга қараб фарқ қилади.

Масалан, 2005 йилгача бўлган меҳнат фаолияти, асосан, меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар билан тасдиқланади. Кейинги йиллар учун эса жамғариб борила-

диган пенсия тизими, сўғурта бадаллари ҳамда иш ҳақи бўйича давлат ахборот тизимларида шаклланган маълумотлар асос қилиб олинади. Шунинг учун меҳнат фаолиятига оид маълумотларни вақти-вақти билан текшириб бориш келажакда ортиқча муаммоларнинг олдини олади.

Бунинг текшириш учун пенсия ёшигача кутиш шарт эмас. Ҳар бир фуқаро my.gov.uz портали орқали меҳнат фаолиятига оид маълумотларини мустақил текшириши мумкин. Порталда электрон меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар, расмий ҳисобланган иш ҳақи ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимига ўтказилган мажбурий бадаллар ҳақидаги ахборот акс этади. Агар маълумотларда хатолик ёки камчилик аниқланса, уни меҳнат фаолияти давомида бартараф этиш анча осон. Бунинг натижасида камчиликларни пенсия тайинланаётганда эмас, меҳнат фаолияти давомида бартараф этиш ва келажакда ортиқча ҳужжат излаш эҳтиёжининг олдини олиш мумкин бўлади.

Бунинг ҳаётий мисолда ҳам кўриш мумкин. Қурилиш соҳасида меҳнат қилган А.А. 2006 – 2014 йилларда хусусий корхонада меҳнат қилган. Меҳнат дафтар-

часида бу ҳақдаги ёзувлар сақланган. Бироқ пенсия тайинлаш жараёнида жамғариб бориладиган пенсия тизимига ўтказилган мажбурий бадаллар ҳақидаги маълумотлар ҳамда архив ҳужжатлари сақланмагани аниқланган. Корхона тугатилгани ва зарур ҳужжатлар сақланмагани сабабли ушбу даврни тасдиқлаш имкони бўлмаган.

Меҳнат шартномаси асосида ишламайдиган фуқаролар учун ҳам қўнунчиликда иш стажини шакллантириш имкониятлари яратилган. Бу, айниқса, ўзини ўзи банд қилган шахслар учун муҳим аҳамиятга эга.

Бугун ўзини ўзи банд қилганлар орасида хунармандлар, қурилиш усталари, сартарошлар, репетиторлар, деҳқон бозорларида савдо қилаётганлар ва бошқа кўплаб касб эгалари бор. Уларнинг меҳнати ҳам келажакда пенсия ҳуқуқини шакллантириши мумкин. Бунинг учун ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиб, ижтимоий солиқ тўлаб бориш кифоя.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар йил давомида камида бир барабар базавий ҳисоблаш миқдорида ижтимоий солиқ тўлайди. Ушбу маблағ тўлиқ Пенсия жамғармасига йўналтирилади ва келажакда пенсия ҳуқуқи

ҳамда пенсия миқдорини белгилашда ҳисобга олинади. Агар фуқаро белгиланган энг кам миқдор билан чекланмасдан, кўпроқ ижтимоий солиқ тўласа, бу ҳам кейинчалик пенсия миқдорини ҳисоблашда инобатга олинади.

Меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган ҳодимнинг иш стаж, асосан, иш берувчи томонидан шакллантирилади. Ўзини ўзи банд қилган фуқаро учун эса бу унинг шахсий масъулияти ҳисобланади. Шунинг учун ижтимоий солиқни ўз вақтида тўлаш бугунги харажат эмас, балки келажакдаги пенсия ҳуқуқи ва ижтимоий ҳимоясига қаратилган сармоядир.

Хорижда меҳнат қилиш ҳам келажакдаги пенсия ҳуқуқидан воз кечиш дегани эмас. Бугун 1,3 миллиондан ортиқ ватандошимиз чет элда меҳнат қилмоқда ва қўнунчилик улар учун ҳам иш стажини шакллантириш имкониятини яратган.

Чет элда ёлланиб меҳнат қилаётган фуқаролар Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқни ихтиёрий равишда тўлаши мумкин. Тўлов миқдорини фуқаронинг ўзи белгилайди. Бироқ у амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир бараваридан кам бўлмаслиги керак.

Ижтимоий солиқни ҳар ойда,

ҳар чоракда ёки бир йўла тўлаш мумкин. Агар фуқаро Ўзбекистонга қайтган бўлса, мамлакатга кирган кундан бошлаб уч йил мобайнида мазкур тўловни бир йўла амалга ошириш ҳуқуқи эга.

Тўловни фуқаронинг ўзи, унинг оила аъзолари ёки ишончли вакили амалга ошириши мумкин. Хорижда бўлиб турган фуқаролар учун эса ижтимоий солиқни Пенсия жамғармасининг махсус валюта ҳисоб рақамларига хорижий валютада тўлаш имконияти ҳам мавжуд.

Муҳими, ижтимоий солиқ тўланган давргина иш стажига қўшилади. Агар ижтимоий солиқ тўлаш тўхтатилса, иш стаж тўланган сўнгги санадан бошлаб шаклланмайди. Шунинг учун хорижда меҳнат қилаётган фуқаролар учун ҳам ижтимоий солиқни мунтазам тўлаб бориш келажакдаги пенсия ҳуқуқини шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Меҳнат қилишнинг ўзи келажакда муносиб пенсия олиш учун етарли эмас. Муносиб пенсия меҳнат муносабатларини қўнуний расмийлаштириш, иш стажини тўғри шакллантириш, меҳнат фаолиятига оид маълумотларни назорат қилиб бориш ва қўнунчиликда яратилган имкониятлардан ўз вақтида фойдаланиш орқали барпо этилади.

**Ёрқин НУРҚУЛОВ,**  
пенсия жамғармаси  
туман бўлими бошлиғи.

Буюк аллома Ҳаким Термизийнинг  
1200 йиллигига

## ҲАДИС ВА ТАСАВВУФ ИЛМИНИНГ ЕТУК НАМОЁНДАСИ



2026 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк ватандошимиз, ҳадис ва тасаввуф илмининг етук намоёндалари Ҳаким Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорда Ҳаким Термизийнинг илмий меросини чуқур тадқиқ этиш, унинг асарларини кенг оммага етказиш ва халқаро миқёсда тарғиб қилишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни назарда тутилган.

Ҳаким Термизий IX асрда яшаб ижод қилган буюк муҳаддис, муфасссир ва тасаввуф илмининг энг йирик намоёндаларидан бири ҳисобланади. Унинг асарлари ислом маънавияти, ахлоқ, комил инсон тарбияси ва маърифий қарашларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этиб, асрлар давомида мусулмон оламида юксак эътироф этиб келинмоқда.

Мустақиллик йилларида бу табаррук сиймонинг Термиз шаҳри яқинидаги зиёратгоҳи ободонлаштирилгани, асарлари ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима қилиниб нашр этилгани, 1993 йилдан буён кураш бўйича Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган аънанавий халқаро турнир ўтказиб келинаётгани ва бошқа эзгу ишлар халқимизнинг у зотга бўлган юксак эътиромининг амалий ифодасидир.

Янги Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий асослари тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳозирги шароитда Ҳаким Термизийнинг ибратли ҳаёт йўлини, унинг исломий тафаккур ривожига қўшган муносиб ҳиссаси ва бой илмий меросини миллий ва халқаро миқёсда янада чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб этиш мақсадига ушбу қарор қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, 2026 йил ноябр ойида Термиз шаҳрида «Ҳаким Термизий илмий-маънавий меросининг бугунги кундаги аҳамияти» мавзусида халқаро илмий конференция ўтқа-

зилади. Унда маҳаллий ва хорижий олимлар иштирокида алломанинг илмий мероси, унинг ҳадисшунослик, тасаввуф ва ислом тафаккури ривожидagi ўрни атрофлича муҳокама қилинади. Шунингдек, алломанинг «Наводирул усул» ва «Баҳрул тафсир» асарлари ҳамда унинг илмий меросига оид бошқа манбаларнинг ўзбек ва хорижий тиллардаги илмий-изоҳли академик таржималарини нашр этиш белгиланган.

Қарор доирасида 2026 йил давомида Ҳаким Термизийнинг илмий меросига бағишланган туркум рисолалар нашрга тайёрланади ва чоп этилади. Ёш авлоднинг аллома меросини чуқур ўрганишини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан ҳамкорликда диний таълим муассасалари талабалари ўртасида «Ҳаким Термизий асарлари билимдони» танлови ташкил этилиб, ғолиблар муносиб тақдирланади. Бундан ташқари, Ҳаким Термизий таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан «Мардлар майдони» шiori остида унинг хотирасига бағишланган кураш турнири юқори савияда ўтказилиши ҳам белгиланган.

Мазкур қарор буюк аждодларимиз меросини асраш ва уни келажак авлодга етказиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси тараккиётига қўшган бекиёс ҳиссасини жаҳон ҳамжамиятига кенг тарғиб этиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Ҳаким Термизийнинг бой илмий-маънавий мероси нафақат миллий, балки умуминсоний маънавий хазинанинг ажралмас қисми сифатида янада кенг ўрганилиши ва тарғиб қилиниши учун янги имкониятлар яратилмоқда.

**Нодира  
АРТИКОВА,  
туман ахборот  
кутубхона маркази  
ахборот-  
библиография хизмат  
раҳбари.**

## МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИК ИЖРОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Аввали 1-бетда

Шундан сўнг сессияда туман ҳокими Соҳиб Исламов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 20 октябрдаги «Аҳоли ва ҳудудларни фавқуллодда вазиятлардан ишончли муҳофаза қилиш соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПФ-185-сонли фармони ижроси юзасидан ахборот берди.

Шунингдек, сессияда депутатлар туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Шавкат Узоқовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 31 декабрдаги «Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривож-

лантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-468-сонли, 2025 йил 8 октябрдаги ПҚ-298-сонли, ПҚ-49-сонли қарорлари ижроси ҳамда туман маҳаллий бюджетининг 2026 йил биринчи ярим йиллик ижроси ва туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисида ахборотларини эшитиб, муҳокама қилдилар.

Сессияда депутатлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 15 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартаришлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-1153-сон қонунининг туманда ижроси ҳамда

туман маҳаллий бюджет даромадларининг бажарилиши ҳолати қўшимча манбаларни аниқлаш бўйича қилинган ишлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар кесимида бюджетга ҳисобланган ва амалда тўланганлиги, улар бўйича солиқ қарздорлиги тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кун тартибидagi ушбу масалалар юзасидан туман ҳокими ўринбосари Фаррух Амиров ва туман солиқ инспекцияси бошлиги Жасур Исламовлар ахборот беришди.

Сессияда кун тартибидagi муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Рашид КАРИМОВ.**

*Фориш ўзининг ўзумлари билан ҳам машҳур. Ёмчида борсангиз, ҳар бир хонадонда экилган тоқларга кўзингиз тушади. Богдорчилик, ўзумчилик кишлоқ аҳолиси учун авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ота касб сифатида эъзозланиб келинаётган. Кишлоқнинг ана шу аънанасини замонавий навлар билан бойитиб, уни даромадли йўналишга айлантираётган фермерлардан бири – Элдор Нарбековдир.*

## ЁМЧИДА УЗУМНИНГ ЮЗ НАВИ

Фермернинг жами 2 гектар ери бор. Шундан 90 сотихида 107 хил ўзум нави парвариш қилинмоқда. Қизиги, булар оддий маҳаллий навлар эмас. Аватар, Ламборжини, Ара-рат, Лилит, Ленд Крузер каби бозорда ўзининг ташқи кўриниши, таъми, ҳосилдорлиги ва энг муҳими, данаксизлиги билан ажралиб турадиган навлардир.

– Ўзумчилик қонимизда бор. Янги навларни экиш, пайванд қилиш, четдан ўзум қаламчалари ва кўчатлар олиб келиш билан олти йилдан буён шу гулланаман. Кишлоғимизда деярли ҳамманинг уйида токи бор. Биз ҳам ўзум қаламчаларини Европа навларидан олиб келиб, маҳаллий ўзумларга пайванд қилганмиз, – дейди

Элдор Нарбеков. – Ҳозирча ўзумни деярли сотганим йўқ. Асосан ўзум қаламчаларидан даромад қиялман. Бу йил қаламчалардан 100 миллион сўм даромад олдим. Келаси йилдан кўчат ҳам, ўзум ҳам сотишни ният қилганмиз.

Бугун дунё ўзумчилигида харидорни фақат таъм эмас, маҳсулотнинг кўриниши, данаксизлиги, ташишга чидамлилиги ва сақланиш муддати ҳам қизиқтиради. Ёмчидаги ўзумзорларда соҳибкорлар ана шу жиҳатларни эътиборга олишган. Масалан, Аватар – халқаро бозорда танилган, Калифорнияда селекция усулида яратилган данаксиз нав. Унинг тўқ кўк, қора тусга кирадиган, ниҳоятда узун ва ингичка мевалари оддий



ўзумлардан дарров ажралиб туради. Бир донаси 7-9 грамм тош босадиган, зич эти ва ташишга чидамлилиги унинг тижорий жозибасини оширади. Ўзбекистонда ҳам Аватар қимматбаҳо навлардан бири сифатида танилган. Бир килограми 8 АҚШ доллари атрофида.

Алмо Элдор Нарбековнинг фаолиятидаги энг эътиборли жиҳат фақат даромадда эмас. У етиштирган серҳосил ва даромадбоп ўзум қаламчаларини кишлоқдаги хонадонларга ҳам бериб, аҳолининг ўз томорқасида янги навларни кўпайтиришига кўмаклашмоқда. Буни у оддий савдо эмас, савобли иш деб билади.

Фермернинг даласида шунингдек, 110 сотих майдонда Гала, Бойка ва бош-

қа серҳосил олма навлари парвариш қилинмоқда. Бу йил олмаларнинг ҳосили ҳам мўл. Тез орада пишиб етилган мевалар пешмапеш бозорга чиқарилади.

Фермер кишлоқ аҳолиси-дан 50 нафарга яқини-ни мавсумий ишларга жалб қилади. Демак, Ёмчидаги бу ўзумзор фақат бир фермернинг даромад манбаи эмас – у ўнлаб оилалар учун мавсумий иш, юзлаб хонадонлар учун эса янги навларни ўрганиш ва кўпайтириш имкониятидир.

Бир қаламча – бир ниҳол. Бир ниҳол – бир ток. Бир ток яхши парвариш қилинса, бутун бир хонадоннинг ризқига айланиши мумкин.

**Холниса  
РАҲМОНҚУЛОВА.**

## ОТАНИНГ ОИЛАДАГИ ЎРНИ

Қадимдан халқимиз отани эъзозлаш, унга ҳурмат кўрсатиш ҳаттоки у ўтирган том устига чиқмасликини таъкидлаб келишди. Дарҳақиқат, бугунги кунда айрим оилаларда отанинг ўрни йўқолиб бориши ва бунинг оқибатида оилада парокандалик ва оиланинг бузилиб кетишига сабаб бўлаётгани юқоридаги халқимизнинг таъбири қай даражада асосли эканини кўрсатади. Бази бир ёш оилаларда бирор келишмовчилик қикса, бу муаммони қўни қўшни ёки қариндошлар ечишга бел боғлашади. Оиланинг раҳбари бўлмиш ота эса чеккада томошабин, ёки бўлмаса, қайнонанинг чизигидан чиқмасдан келинини ёмонлашдан у ёққа ўтмайди. Натижада эса ёш оилалар ажралиб кетишяпти. Ахир оила бошлиғи, шу муаммони ўзаро оилавий ҳал қилиб, кўчага чиқармаса унинг ишига ким аралашарди? Оила деб аталмиш муқоддас риштани сақлаб қолиш кўпни кўрган, ҳаётнинг баланду пастини яхши биладиган шу отанинг вазифаси эмасми?

“Аллоҳ баъзиларини баъзиларидан устун қилгани ва молларидан сарфлаганлари учун эркаклар аёл-

ларга раҳбардирлар.” (Нисо 34-оят)

Аллоҳ таоло ушбу ояти қаримата эркаклар ўз оилалари раҳбари эканларини таъкидлаяпти. Раҳбар инсон ўз қўли остидаги инсонларнинг ҳар бир ҳатти ҳаракатлари учун масъул шахсдир. Оила жамиятнинг бир кичик, лекин асосий бўғинидир. Ҳар бир оилада таълим тарбия, оила аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжлари кўнгилдагидек қондирилса, бунинг акси бутун бир жамиятда акс этади. Бу эса албатта шу оиланинг раҳбарлари эркакларнинг зиммасидаги шарафли бурчдир. Бугунги кунда ёш оилаларда ажралишлар сонининг кўпайишига ҳам шу – оилада ўзаро ҳурмат ва оила бошлиғига нисбатан итоатнинг йўқлигидадир. Аёл киши табиатан нозик, ҳиссиётларга тез берилувчан бўлади. Бир оғиз сўз билан уни дунёдаги энг бахтли аёлга ёки шуни аксига айлантириш мумкин. Эркак киши эса чидамли, сабр ва бардошли ҳисобланади. Оилага раҳбар бўлгандан сўнг, эр кишидан кези келганда қаттиққўллик ва талабчанлик, кези келганда эса меҳрибон ва мулоимлик талаб этилади.

Халқимизда қуш уясида кўргани-

ни қилади деган нақл бор. Оилада фарзанд ўз онасининг отага нисбатан беҳурматлигини кўриб тарбия топар экан, эртага шу фарзанд ўзи оила курганда турмуш ўртоғига ҳам шундай муносабатни кўрсатмайди деб ким айта олади? Бир жихатдан оилада отанинг ҳурмати йўқолишига ўша оталарнинг ҳам ўз ҳиссалари бор. Аҳли аёлим, бола чақам деб ҳаракат қилмасдан топганини ичкилиги маишатпарастликка сарфлаётган айрим оталар табиий равишда оила тизгинини оилага пул топиб келаётган аёлга топишиб қўйишяпти. Набий саллаллоху алайҳи вассаллам: “Кишининг фарзандига чиройли одоб бериши, ҳар кун мискинларга яримта нон садақа қилганидан афзалроқдир” дедилар. Отаона фарзандига бера оладиган энг яхши тўхфаси бу гўзал одоб ахлоқ экан. Ҳар бир ота фарзанди учун намуна мактаби бўла олиши, келгусида ўз оиласининг шану-шарафини ҳимоя қила оладиган, элига, юртига манфаати тегадиган ўғлонларни тарбия қилиши унинг зиммасидаги энг шарафли вазифа ҳисобланади.

**Отабек ЮЛДАШЕВ,  
туман бош имом хотиби.**

## ТАБИАТГА ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛМАНГ

*Бугунги кунда экология масаласи нафақат табиатшунос олимлар ёки мутахассисларнинг, балки ҳар бир фуқаронинг ҳаётига дахлдор масалага айланди. Иклим ўзгариши, сув ресурсларининг камайиши, ҳаво ифлосланиши, яшил ҳудудларнинг қисқариши каби омиллар инсониятни табиат билан янада эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ундамоқда.*

Янги Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси, кўкаламзорлаштириш ишлари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган ишхотлар бунинг яққол ифодасидир.

Туманимизда ҳам экологик барқарорликни таъминлаш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, аҳоли ўртасида экологик маданиятни юксалтириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Маҳаллаларда ўтказилаётган ҳашарлар, дарахт экиш акциялари, ариқ ва зовурларни тозалаш, ноқонуний чиқинди ташлаш ҳолатларининг олдини олиш, сувни тежаш бўйича тарғибот тадбирлари экологик муҳитни яхшилашга хизмат қилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Экологик партияси туман Кенгаши ҳам фаол ташаббус кўрсатмоқда. Партия ташаббуси билан маҳаллаларда экологик акциялар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар, ёшлар учрашувлари ҳамда жамоатчилик назоратига бағишланган тадбирлар мунтазам ташкил этилмоқда.

Айниқса, ёшлар иштирокидаги экологик лойиҳалар, кўчат экиш акциялари, “Тоза ҳудуд”, “Яшил макон”, “Экологик патрул” каби ташаббуслар ўсиб келаётган авлод қалбида табиатга меҳр ва масъулият туйғусини мустаҳкамламоқда.

Табиатни асраш оддий, аммо муҳим одатлардан бошланади. Сувни исроф қилмаслик, электр энергиясидан оқилона фойдаланиш, маиший чиқиндиларни саралаш, пластик маҳсулотлардан фойдаланишни камайтириш, дарахт ва буталарни асраш ҳамда янги ниҳоллар экиш орқали ҳар биримиз экологияни муҳофаза қилишга муносиб ҳисса қўша оламиз.

Экологик партияси бундан буён ҳам экологик ишхотларни кўллаб-қувватлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, экологик таълим ва тарғиботни кенгайтириш ҳамда фуқароларнинг экологик ташаббусларини рағбатлантириш йўлида изчил фаолият олиб боради.

Зеро, табиат — келажак авлодга қолдириладиган энг бебаҳо меросдир. Уни асраш, кўпайтириш ва мусавффо ҳолда келажак эгаларига топшириш барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

**Гулном САМАДОВ,**  
“Экологик” партия  
туман Кенгаши  
раиси.

Огоҳлик — давр талаби

## ФИРИБГАРЛАР ТУЗОҒИГА ТУШИБ ҚОЛМАНГ!

**Бугунги кунда турли фибрибгарлик йўллари билан одамларнинг ишончига кириб, бу орқали яхшигина даромад топаётганлар сафи куни сайин ортиб бормоқда. Уларнинг тузоғига тушиб қолмаслик учун доимо ҳушёр бўлиш талаб этилади.**

Келажакни башорат қилишга даъво қилувчи фолбинлар ҳам асли фибрибгарлар эканини унутмаслик даркор. Улар ўзингиз ва оила аъзоларингизнинг келажак ҳаёти хавф остида эканлигини айтиб, «махсус» дуолар орқали балодан халос этишни, бу орқали юришмаётган ишларингиз юришиб кетишини ваъда беришади. Эвазига эса катта миқдордаги пул ва қимматбаҳо буюмлар беришни талаб қилишади.

Энг ачинарлиси, айрим инсонлар касал бўлган пайтларида ҳам фолбинлардан мадад кутишади. Шунини унутмангки, сиздан кимдир «дам солиш», «фол очиш», «дуони қайтариш» ва келгусида қутилаётган хавфхатардан холи қилиш учун моддий бойликлар, пул ёки бошқа қимматбаҳо буюмларни талаб қилса, билангиз, бундай шахслар фибрибгарлардир. Қонунчиликда бунга оид ҳар бир ҳолат учун жазо муқаррар экани белгилаб қўйилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида фибрибгарлик, яъни алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши қайд этилган.

Агар ушбу жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазо чораларини қўллаш белгиланган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, фибрибгарлик турли кўриниш ва усулларда содир этилаётган бўлсада, унинг асосида бир нарса — инсоннинг ишонувчанлиги ва бепарволигидан фойдаланиш ётади. Кимдир фолбинлик никоби остида, кимдир замонавий ахборот технологиялари ёки сохта ҳужжатлар ёрдамида ўзганинг мол-мулкига кўз олаёттиради. Бироқ, ҳар қандай қонунга хилоф ҳаракат албатта, ўз ҳуқуқий баҳосини олади.

Шу боис, фуқаролар ҳар қандай шубҳали таклифларга танқидий ёндашиши, шахсий маълумотлари ва мол-мулки билан боғлиқ ҳужжатларни бегона шахсларга ишониб топширмаслиги, турли алдов ва ваъдаларга учмаслиги лозим.

**Б.АБЛАХАТОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Фориш туман суди тергов  
судьяси.

## «ОДИЛ СУДЛОВ — 2030»: СУД ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 14 августда «Одил судлов — 2030»: Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилувчи халқчил ва адолатли суд тизимини барпо этиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-160-сонли фармони қабул қилинди. Фармонга асосан «Одил судлов — 2030» стратегияси ва уни 2026 — 2028 йилларда амалга ошириш бўйича ҳаракатлар дастури тасдиқланди.

Фармонга кўра, 2027 йил 1 июлдан умумюрисдикция ва маъмурий суд йўналишларида ишларни қайта кўриб чиқиш ваколатига эга, юрисдикция ҳудуди бир нечта маъмурий-ҳудудий бирликларни қамраб оладиган ҳудудларро судлар ташкил этилади. Улар учун жами 319 та бошқарув ходими штат бирлиги ажратилади.

Шунингдек, 2027–2030 йилларда аҳоли сони, ишлар ҳажми, судьяларнинг иш юкламаси ва ҳудудий хусусиятлардан келиб чиқиб, барча ҳудудларда фуқаролик ишлари бўйича туман ва шаҳар судларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Жиноят процессида ҳам суд назорати кучайтирилади. 2027 йил 1 июлдан тергов судьяларига шахсни ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилигини, гумон қилиш ёки айблов эълон қилиш учун асослар етарлилигини текшириш ваколатларини бериш таклиф этилган.

Фармонда яна:

- «Прецедентлар» реестрини жорий этиш;
- судлар фаолияти очиклигини ошириш;
- суд биноларида «ягона дарча» тамойили асосида хизмат кўрсатиш офисларини ташкил этиш;
- [my.sud.uz](http://my.sud.uz) порталини такомиллаштириш ва унинг янгиланган мобил иловасини ишга тушириш;
- 2028 йилдан иқтисодий ишлар бўйича «проактив бошқарув» стандартини жорий этиш;
- жузъий камчиликлар туфайли аризани қайтариш амалиётини ислоҳ қилиш;
- 2028 йил 1 январдан суд маъмурчилиги институтини жорий этиш;
- ҳар йили Ўзбекистонда одил судлов сифати индексини эълон қилиш амалиётини йўлга қўйиш назарда тутилган.

Фармоннинг мақсади — инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишни кучайтириш, судларнинг мустақиллиги ва очиклигини таъминлаш, судга мурожаат қилишни соддалаштириш ҳамда одил судлов сифатини ошириш экани таъкидланган.

**Рўзимурод АЛМАМАТОВ,**  
жиноят ишлари бўйича туман суди  
девоҳхона мудир.

## ОИВ ИНФЕКЦИЯСИДАН ОГОҲ БЎЛИНГ

Аҳолини айниқса ОИВ инфекциясини юктириб олиши юқори бўлган мойил гуруҳга кирувчи фуқароларни ОИВ инфекциясига текшириш билан касалликни эрта ўз вақтида аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасида аҳолини ОИВ га тиббий текширувдан ўтказиш “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ва Соғлиқни сақлаш вазирининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вирусига тиббий текширувдан ўтказиш қоидалари”га асосан амалга оширилади. Вояга етмаганларни ва муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларни ОИВ га тиббий текширувдан ўтказиш уларнинг қонуний вакиллари розилиги билан амалга оширилади.

Текширувдан ўтаётган шахснинг хоҳишига кўра аноним (яширин)ҳолда олинган қон намунасини ИФА усулида таҳлил ўтказилганда, мусбат натижа аниқланган ҳолда лаборатор таҳлилнинг давом эттирилиши тўхтатилади. Ушбу шахслар билан тесдан кейинги маслаҳат ўтказилиб, шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида ихтиёрий равишда қайта қон топшириш тавсия этилади ва алгоритм бўйича таҳлил давом эттирилади.

**ОИВга текширув билан боғлиқ маслаҳат.** Маслаҳат бериш — бу мижознинг ОИВ инфекцияси ва текширув

билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мақсадида, маслаҳат ва ахборот берувчи шахс билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мақсадида, маслаҳат ва ахборот берувчи шахс билан мижоз орасидаги ўзаро хуфёна суҳбатдир. ОИВ инфекциясига текширилувчи ҳар бир шахсга маслаҳат таклиф этилиши керак.

**Маслаҳат берувчи шахснинг асосий вазифалари.** ОИВ инфекцияси тўғрисидаги мижозга тўлиқ ва аниқ маълумот. Мижознинг касалликни юктириб олишга мойиллиги хавфи даражасини баҳолаш. Мижознинг индивидуал хусусиятлари ва ҳаёт тарзига асосан унинг касалликни юктириб олишга мойиллиги хавфини камайтиришни миқокама қилиш ва режалаштириш.ОИВ вирусини юктиришнинг олдини олишнинг чоралари ва усуллари билан мижозни таништириш. ОИВ инфекциясига текширувнинг мусбат натижасини олганда ОИВ инфекцияси

билан яшовчи шахснинг руҳий зўриқшининг олдини олиш ва турли эмосионал ҳолатларини енгиб ўтишида кўмаклашиш.

**ОИВга текширув билан боғлиқ маслаҳатнинг асосий босқичлари.**

Дастлабки (текширувгача) маслаҳат: ОИВ вируси ҳақидаги маълумот бериш, шахснинг ОИВни юктириш хавфини баҳолаш ва уни камайтириш йўллари аниқлашни ўз ичига олади,шунингдек мижозга ОИВ инфекциясига текширув натижаларини эълон қилиш,ҳамда мусбат натижа олинган ҳолатларда мижозни психоемонисонал қўллаб қувватлашни ўз ичига олади.Шу билан бирга манфий натижа олинган ҳолатларда хавфсиз турмуш тарзини шакиллантириш мақсадида дастлабки босқичида берилган маълумотларни мустаҳкамлашдан иборат.

**Н.РАВШАНОВА,**  
вилоят ОИТСга қарши курашиш  
маркази лаборатория шифокори.



**FORISH  
TONGI**

**MUASSISLAR:**  
Xalq deputatlari Forish tuman Kengashi  
va tuman hokimligi

**Manzilimiz:** Bog`don shaharchasi,  
Sh.Rashidov ko`chasi 3-uy

Bosh muharrir Rashid KARIMOV

“Forish tongi”  
materiallarini ko`chirib  
bosish faqat tahririyat  
ruxsati bilan amalga  
oshiriladi  
Tahririyatga kelgan  
qo`lyozmalar muallifga  
qaytarilmaydi va javob  
yozilmaydi.

Gazetaning  
ro`yxatdan o`tish  
tartibi: 06-011  
ISSN 2010-8451

Gazeta sotuvda  
kelishilgan narxda

Telefon: (91) 591-47-10

Gazeta 1220 nusxada bosildi

Qog`oz bichimi A3

Gazeta tahririyatning o`zida terildi va  
kompyuter operatori **Gulmira ISMOILOVA**  
tomonidan sahifalandi.

Chop etish  
uchun mas`ul  
**Baxrulla  
SAYPULOV**

Gazeta “Rastr plyus Print” mas`uliyati  
cheklangan jamiyatida bosildi  
**Korxona manzili:** Jizzax shahri  
Sayiljoyi ko`chasi 4-uy.  
Bosishga topshirish vaqti 18:00  
Topshirildi 18:00 Buyurtma \_\_\_\_\_